

## **“СОЛИҚЧИ – КҮМАКЧИ”**

Жорий йил 13 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти "Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишни мувофиқлаштириш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари түғрисида"ги ПҚ-374-сонли қарори имзоланди.

Назорат қилувчи органлар томонидан 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб:

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган барча текширувлар «Ягона давлат назорати» ахборот тизимида рўйхатга олинади. Бунда, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида мазкур тизимда рўйхатга олинмаган текширувларни ўтказиш ноқонуний ҳисобланади; тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилган текширувларнинг натижалари ҳамда профилактика тадбирлари түғрисида маълумот текширув ёки профилактика тадбирлари тугаган кундан бошлаб уч кун муддатда «Ягона давлат назорати» ахборот тизимига киритилади.

Шу ўринда тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида “Соликчи-кўмакчи” тамойили асосида Ёзёвон тумани давлат солик инспекцияси ходимлари томонидан амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Айни пайтда мунтазам равишда тадбиркорлар билан турли очик мулоқот ва учрашувлар ташкил этилмоқда, муаммолар ўрганилиб, ижобий ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун муҳим бўлган қатор йўналишларни белгилаб олинган бўслиб, амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Хусусан, 2022 йил ноябрь ойи давомида Ёзёвон тумани ДСИ томонидан 189 та тадбиркорлик субъектларини қийнаётган муаммолари ўрганилди. Мазкур жараён давомида кўмаклашиш зарур бўлган 172 та тадбиркорлик субъектларига дастлабки бухгалтериясини юритиш, қулай солик режимини танлаш, солик имтиёzlари ва уларни қўллаш тартибини тушунтириш, ортиқча ҚҚС тўловларини қайтариш каби масалалар юзасидан амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Биз, солик идоралари ходимлари тадбиркорлар билан ҳамкорликда ишлашга, солик қонунчилигига оид зарур ёрдамларни кўрсатишга ҳамиша тайёрмиз. Солик тизимига оид қўшимча саволлар бўлса, ишонч телефонимизга(90-164-72-21. 91-106-04-78) қўнғироқ қилишингиз мумкин. Мурожаатингиз қисқа фурсаларда ўрганиб чиқилади ва жавоб берилади.

“Давлат солик хизмати – инсофли солик тўловчининг ишончли ҳамкори” тамойили доирасида сиз билан ҳамкорликка тайёрмиз!

Авазбек АХУНОВ,

туман ДСИ бошлиғи.

**ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ**

2022-12-05 19:30:06